

Ф. БОЙНАЗАРОВ

ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари учун дарслик
сифатида тавсия этилган*

kutubxonasi

У-6096/1

ТОШКЕНТ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ
2004

Бойназаров Ф.

Қадимги дунё тарихи: Олий ўқув юртлари учун дарслик.— Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2004. — 464 б.

Мазкур китоб олий ўқув юртлари талабаларига дарслик вазифасини ўташи билан бирга, шу соҳа олимлари ва қадимги дунё тарихи билан қизиққан барча ўқувчилар ҳам керакли маълумотлар олиши мумкин. Унда муаллиф ўзининг илгари чоп эттирган «Антик дунё» («Меҳнат», 1989), «Ўрта Осиёнинг олтин даври» («Ўқитувчи», 1991), «Қадимги дунё тарихи» («Ўзбекистон», 2002) ва «Қадимги давр тарихи» («Сангзор», 2002) китобларига киритилган маълумотлардан унумли фойдаланган.

ББК 63.3(0)3я73

К $\frac{4306020600-470}{M361(04)-2004}$ — 2004

ISBN 5-86484-003-3

© Ф. Бойназаров,
А. Қодирий номидаги халқ
мероси нашриёти, 2004.

КИРИШ

Инсоният ўзининг қадимги тарихига ҳамма вақт қизиқиш билан қараб келган. Бу даврни биз антик дунё деб атаймиз. Антик дунёда яшаган бобокалонларимиз ҳаётига ҳар биримиз қизиқиш билан қараймиз. Табиийки, улар ўз тили, адабиёти, санъати ва маданиятига эга бўлган.

Атоқли олимлардан Х. Кор-Ўғли¹, Н. Маллаев², А. Алимуҳамедовнинг³ таъкидлашича, маданиятнинг асл бешиги шарқ мамлакатлари бўлган, дастлабки адабий ёдгорликлар аввало Миср, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Бобил (Вавилония) каби мамлакатларда яратилган.

Марказий Осиёнинг антик даврларига оид адабиёт ёдгорликларидан атиги бир-икки нусхаси сақланиб қолганда эди, бугунги авлодларимиз қалби олам-олам қувонч ва фахр-ифтихор ҳисси билан тўлиб-тошган бўларди. Афсуски, бебаҳо антик ёдгорликлар Марказий Осиё адабиётида сақланиб қолмаган. Сўғдиёнанинг антик даврларида яшаган бобокалонларимиз ҳаёти билан археологик қазилмалар орқали танишимиз, холос. Бу ноёб топиламалар узоқ тарихнинг залворли ҳодисаларидан дарак беради. Биз уларнинг шакли, гўзаллиги ва ҳоказо жиҳатларига қараб хулосалар чиқарамиз. Антик даврларда бизда муҳташам шаҳарлар бўлганлиги, маданият ва санъат гуллаб-яшнаганлигини фараз қиламиз. Бу қадимий ёдгорликлар биз учун бебаҳо бойликдир. Бу бойликнинг қиймати пул ёки олтин билан ўлчанмайди, улар қадимий бўлганлиги учун ҳам бебаҳодир. Ахир, бу ёдгорликлар антик аجدодларимиз билан тенгдош, уларнинг қўли теккан.

Бироқ, антик даврларни ўрганишимизда ёлғиз бу археологик қазилмалар кифоя қилмайди, фақат уларнинг ўзи билангина қаноатланмаймиз. Бу қадим топиламалар гоёт гўзал ва қанчалик ноёб бўлмасин, биз уларнинг фақат ташқи шаклига қараб фикрлаймиз, тахмин юритамиз.

Биз антик даврларда яшаган бобокалонларимизнинг тимсолий шаклини эмас, жонли ҳаётини кўргимиз, улар билан дардлашгимиз келади. Бобокалонларимиз қандай кишилар бўлган, улар ўз ватанини қандай севишган, босқинчи душманларга қарши қандай курашганлар?.. Мана шуларни батафсил билсак эди. Ҳозирги дарёлар, шаҳарлар, тоғлар антик даврда ҳам худди шундай бўлганми, уларни ўз кўзимиз билан кўрсак деймиз. Бунинг имкони борми? Ахир, бу ҳақда ҳеч бир ёзма

¹ Кор-Оғли Х. Узбекская литература. М.: «Высшая школа», 1976, 5—7-бетлар.

² Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1976. 27—30-бетлар.

³ Алимуҳамедов А. Антик адабиёт тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1976, 5-бет.

манбага эга эмасмиз-ку? Тўғри, антик Сўғдиёнадан бизга ёзма «гувоҳ» етиб келмаган. Қадим аجدодларимиз ҳақида «сўзловчи» шаҳарларнинг қолдиқлари, гузал санъат обидалари, бебаҳо археологик топилмалар қолган, холос.

Биз авлодлар қалбини бир бебаҳо бойлик ўзига асир этади. Бу қадим Сўғдиёна ҳақида ҳикоя қилувчи грек ва Рим адабиёти намуналаридир. Уларни варақласак, Марказий Осиё халқларининг огзаки ижодиёти жуда қадим замонлардаёқ ўзига хос равишда ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай огзаки ижод намуналари бўлмиш «Тўмарис» афсонаси Геродотнинг¹ «Тарих» асаридан, «Широқ» афсонаси эса Полиэннинг «Ҳарбий ҳийлалар» китобидан салмоқли ўрин эгаллаган. «Греклар ўзларининг гўдаклик даврлари билан, кишиликнинг мукамал ва мумтоз намоёндалари сифатида, бутун кишилик жамиятининг гузаллик даврини ифода қиладилар. Гомер (Ҳомер) достонларини ўқиркан, кишилик дунёси ўзининг порлоқ гўдаклик (фақат грекларникини эмас) даврини хотирлайди»², деб ёзган эли улуг рус таъқиқчиси В. Г. Белинский. Ҳақиқатининг асл ифодасига эга бўлган бу сўзлар инсониятнинг гўдаклик даврини куйловчи Гомер асарлари нақадар бебаҳо эканлигини тасдиқлайди. Ҳамма халқларнинг гўдаклик даври бир-бирига ўхшаш ҳолда кечган. Шунинг учун ҳам фақат ўзимизнинг эмас, ўзга халқларнинг антик даврларига ҳам қизиқини билан қараймиз. Гомер достонларида тасвирланган воқеалар бизга яқиндан танишдек, улар гўё тарихимиз ҳақида ҳикоя қиляётгандек туюлади. Жаҳонда грек адабиётидан маънавий озик олмаган биронта адабиёт топилмаса керак.

Антик дунёнинг бадний гузаллигига асос солган Гомер ижодигина эмас, шу билан бирга, Эсхил, Софокл, Эврипид ва Аристофан каби сўз санъаткорларининг нодир адабиёт дурдоналари ҳам битмас-туганмас бадний эстетик завқ манбаидир. Гесиод, Геродот, Фукидид, Ксенофонт каби тарихий насрни гузал саҳифалар билан бойитган улуг истеъодларнинг мўътабар номлари ҳам биз учун ғоят қимматлидир. Бу адибларнинг асарларида антик ўтмишнинг ўзига хос қирраларини кузатамиз.

Антик дунёнинг яна бир гузал бадний саҳифаси бўлмиш Рим адабиёти ҳам юнон адабиётидан озик олиб, унинг таъсирида ривожланди,

¹ Геродотнинг эрамыздан аввалги V асрда, Полиэннинг эрамыздан илгари II асрда яшаганлигини эсласангиз, Ўрта Осиёда огзаки ижод қадим даврлардаёқ ривожланганлигининг гувоҳи бўласиз. «Тўмарис» афсонасидаги Эрон шоҳи Кир (эрамыздан илгари 559—529 йил), «Широқ» афсонасидаги Доро I (эрамыздан аввалги 521—489 йил)нинг яшаб ўтган даврини назарда тутиб, бу афсоналар шу йиллар атрофида яратилганлигини аниқлаш мумкин — *Муаллиф*.

² *Белинский В. Г. Танланган асарлар. Т.: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1955, 173-бет.*

тараққий этди. Антик даврнинг сўнгги босқичи ҳисобланган Рим адабиёти ҳам инсониятга олам-олам маънавий бойликлар инъом этди.

Дарҳақиқат, грек ва Рим адабиёти мисолида биз ўз ўтмишимизнинг гулдаклар даврини кўрамиз. Бой ва бетакрор тарихимизнинг антик даври тасвирланган гўзал саҳифаларга дуч келамиз. Хатто, Гомер даврларидаёқ, скифларнинг номи узоқ Афинага етиб борганди. Бу ўринда Гомернинг скифлар ҳақидаги фикри беихтиёр эътиборимизни ўзига жалб этади. «Гомер ўзининг поэмасида скифлар ҳақида куйлаган эди, — деб ёзади Флавий Арриан «Александрнинг юриши» асарида. — Скифлар ҳақиқатгўй одамлар бўлган. Улар Осиёда яшайди, бир оз камбағалроғу, аммо жуда ҳақиқатгўй»¹.

Бу сатрларни муталаа қилиб туриб, чуқур ўйга толасан, киши. Эрамиздан илгариги VIII—VII асрларда яшаган юнон шоири Гомернинг скифларга бундай таъриф бериши тасодифий ҳол бўлмаса керак, албатта. Бундан аён кўринадики, ўша даврлардаёқ Греция билан Марказий Осиё ўртасида сиёсий-маданий алоқалар мавжуд бўлган. Қадимдан жаҳон кезишни энг яхши одат деб билган грек ва Рим сайёҳлари Марказий Осиёга бир неча маротаба таъриф буюришган. Греция, Ўрта Осиё, Хитой, Ҳиндистон мамлакатлари орасида қарвон тинимсиз қатнаб турган. Эрамиздан анча илгариёқ ўрта осийликларга Филотаун — Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Арасту (Аристотель), Буқрот (Гиппократ), Файсоғурас (Пифагор) номлари яқиндан таниш эди. Бу улуг олимларни ўрта осийликлар худди ўзларининг донишмандларидек ҳурмат билан тилга олганлар. Улар ҳақида халқимиз орасида донолик ва ақл-фаросатдан ҳикоя қилувчи хилма-хил афсоналар яратилган.

Узоқ юнон ўлкаси билан Марказий Осиё халқлари ўртасида қадим-қадим замонлардаёқ маданий алоқа бўлганлигини аниқ мисоллар орқали ҳам исбот этиш мумкин. Жумладан, фессалияликларнинг қадимий ёдномаси бўлган «Эллада қаҳрамонлари» асарида амазонкалар ҳақида ҳикоя қилинади². Муаррих адиб Юстиннинг фикрича, амазонкалар скиф авлодларидан бўлган экан³.

Улуг юнон фожианависи Эсхилнинг (эрамиздан илгариги VI асрда яшаб ўтган) фикрича, инсон зотига олов ҳада этмоқчи бўлган Прометей ҳукмдор Зевснинг қаҳрига учраб, скифлар ўлкасидаги қояга занжирбанд қилинади⁴.

Эрамиздан аввалги VI—V асрлардаёқ бўлиб ўтган эрон-юнон уруш чоғида узоқ юнон ўлкасидан Баркалик бутун бир элат Бақтрияга, милет

¹ Арриан Флавий. Поход Александра. М.—Л.: Изд-во АН, 1962, 33-бет.

² Эллада қаҳрамонлари. Т.: «Ёш гвардия», 1976, 134—136-бетлар.

³ Юстин. Эпистома Помпея Трога. «Вестник древней истории», 1954, № 2, 211-бет.

⁴ Эсхил. Занжирбанд Прометей. Т.: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 11-бет.